



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 27 сентябрь, № 200 (7158)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ



ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида хорижий мамлакатлар парламентлари делегациялари билан учрашувлар фаоллашган.

Хусусан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент Ассамблеясидаги Дания делегацияси аъзолари билан ўтказилган мулоқот ҳам ана шундай тадбирлардан биридир.

Сўхбат чоғида меҳмонларга Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, парламент ва унинг палаталари фаолияти, сиёсий партиялар, фракциялар ҳамда қўмиталарнинг иш услублари, хорижий давлатлар парламентлари билан ҳамкорлик бўйича дўстлик гуруҳлари ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, норма ижодкорлиги соҳасидаги янгиликлар, парламент тадқиқотлари бўйича олиб борилаётган ишлар билан таништирилди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда терроризм, экстремизм, одам савдоси, наркотикларнинг оққоний айланиши каби глобал

муаммоларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш давр талабига айланган. Уларни муайян давлат ё халқаро ташкилотнинг яққа ўзи бартараф эта олмайди. Бу каби трансмиллий муаммоларга қарши ҳамкорликда курашиш, кучларни бирлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Шу маънода, учрашув қатнашчилари Ўзбекистон томонининг халқаро ва минтақавий аҳамиятга эга муҳим масалалар бўйича позицияси билан қизиқди. Ўз навбатида, ЕХХТ тизимидаги ўзаро ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш истиқболлари хусусида ҳам атирофича сўз юритилди.

Учрашувда томонлар шу пайтга қадар Ўзбекистон ва ЕХХТ, хусусан, унинг Парламент Ассамблеяси ўртасида эришилган келишувларни амалга ошириш, яқин истиқболдаги икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим йўналишларини белгилаш бўйича фикр алмашдилар.

МУНТАЗАМ РАВИШДА ФИКР АЛМАШИШ МАЙДОНИ ЯРАТИЛАДИ

Юртимизда экстремизм таҳдидининг олдини олиш, унга қарши курашишга қаратилган қонун ҳужжатлари соҳада қўзланган мақсадларга эришишда муҳим омил бўлмоқда.

Биргина 2018 йилда иккита йирик ҳужжат — “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Экстремизмга қарши курашиш Конвенцияси (Остона, 2017 йил 9 июнь) ратификация

қилиш тўғрисида”ги ҳамда “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилингани бунга яққол мисолдир.



27 сентябрь — Халқаро сайёҳлик куни

Бетакрор табиат ва қадимий осориатиқалар

туризм ривожини учун жуда катта имкониятдир



Ўтган йили юртимизга
1,5 миллион
нафар сайёҳ
ташриф буюрган.

Бу кўрсаткич жорий йилнинг саккиз ойида
3,4 миллион
нафарни ташкил этмоқда.

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ, ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИ ЮҚОРИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ – БОШ МЕЗОН

Бугун Тошкентда Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлайди.

Республикада олиб борилаётган барча соҳадаги жадал ислохотларга ҳамоҳанг ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, халқаро иқтисодий алоқаларни янги босқичга кўтариш ҳамда жамият ҳаёти учун зарур янги халқаро хизматларни ташкил этишга оид муҳим масалалар кун тартибидан ўрин олган.

Кеча парламент юқори палатаси қўмиталарининг мажлислари бўлиб ўтди. Уларда Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига киритилган қонунлар ва унда кўриб чиқиладиган масалалар Ҳаракатлар стратегиясининг “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини изчил ихро этиш, халқаро ҳамкорликни мустақамлашга қаратилгани алоҳида таъкидланди. Бир қатор мансабдор шахслар ва давлат органлари раҳбарларининг фаолияти юзасидан ахборотлари эшитилди. “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги (янги таҳрир), “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги, “Фуқаролар йиғини раиси (оксоколи) сайлови тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати кунини белгилаш тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатла-

рига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, икки томонлама ва кўп томонлама халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонунлар яна бир бор дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Сенаторлар, банк-молия соҳаси мутахассислари, вазирлик, идоралар вакиллари иштирок этган Сенатнинг **Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси** мажлисида “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг акциядорлик тижорат Халқ банкида ихросини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

2005 йилнинг 1 январидан мамлакатимизда “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, замонавий пенсия таъминоти тизими жорий этилган. 2018 йил 1 апрелидан эътиборан эса барча фуқароларни пенсия таъминоти ти-

зимиди ҳисобга олиш ишлари фақат Давлат хизматлари агентлиги ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга ошириб келинмоқда. Татбиқ этилган янгиланган тўғрисидаги қонунлар яна бир бор дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Маълум бўлишича, пенсия таъминоти тизимидаги шахсий маълумотлар Халқ банкида алоҳида ташкил этилган ягона маълумотлар электрон базаси ва архивларида сақланади. Бунинг учун зарур хавфсизлик чоралари кўрилган. Шунингдек, ҳисобварақлар тартиб рақами Ички ишлар вазирлиги томонидан берилган фуқаронинг идентификация рақами асосида бериб келинмоқда.

2018 йил 1 июль ҳолатига кўра мазкур банк филиалларида пенсия таъминоти тизими иштирокчилари сони 11,3 миллионга етиб, улардаги маблағлар миқдори 2,9 триллион сўмдан ошган.

Мажлисида таъкидланганидек, мазкур Қонуннинг ижро этилиши борасида қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилган.



Хориждаги юртдошларимиз илмий салоҳияти Ватан раўнақига йўналтирилади

Жорий йил 25 сентябрь куни Президентимиз “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонни имзолади.



Мазкур ҳужжат хорижда яшаётган ва ишлаётган ватандошларимиз, айниқса, катта илмий салоҳиятга эга олимлар, мутахассислар ҳамда истеъдодли ёшлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, жаҳон меҳнат бозоридида рақобатдош ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга йўналтирилгани билан ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Эндилкида “Истеъдод” жамғармаси негизда та-

момила янги — “Эл-юрт умиди” жамғармаси фаолият юритида. Жумладан, шу асосда хориждаги ватандошлар билан изчил мулоқот йўлга қўйилади. Агар собиқ жамғарма фақат олий маълумотга эга, бирон касб-корнинг бошидан тутиб, дейлик, олий таълим даргоҳида муаллимлик қилиб юрганларни хорижга малака оширишга жўнатган бўлса, янгиси магистратура ва докторантура дастурлари бўйича

танлов ўтказиш ҳамда тайёргарликни ташкил қилиш, давлат тузилмалари, иқтисодиёт тармоқлари, таълим ва илмий муассасаларнинг истеъдодли мутахассисларини ривожланган давлатлардаги илмий-таълим муассасаларига малакасини ошириш ҳамда стажировкадан ўтказишга юборади.

Фармон билан янги жамғарманинг ташкилий тузилмаси, унинг низоми, Васийлик кенгаши тарки-

би ҳамда хорижда таълим олиш, стажировка ўташ ва малака ошириш учун номзодлар ўртасидаги танлов тартиби ҳам тасдиқланди. Шу ўринда кўпчилики эндиликда жамғарма стипендиялари кимларга ва қай асосда берилади, деган савол қизиқтириши табиий. Улар ҳар йили тасдиқланадиган дастурларга мувофиқ, ушбу мақсад ҳамда муддатга берилади:

Чет эл таълим ва илмий муассасаларида малака оширишга — 2 ойгача.

Хорижий илмий, таълим, ижод муассасалари, давлат идоралари ҳамда корхона ва бошқа ташкилотларда стажировка ўташга — 6 ойгача.



Далага ўғит сепадиган дронлар, 5G интернет...

Пойтахтимизда давом этаётган “ICTExpo” кўргазмасида шу каби ўнлаб технологиялар билан танишиш мумкин.



Мамлакатимизда бўлиб ўтаётган АКТ ҳафталиги доирасида кеча Тошкент ва Жиззах шаҳарларида “ICTExpo — 2018” ахборот-коммуникация технологиялари кўргазмаси фаолият бошлади.

Улкан технопарк кўринишини олган кўргазма залида 100 дан ортиқ компаниялар томонидан ахборот технологиялари соҳасидаги ютуқлар, янги кашфиётлар намойиш қилинмоқда.



Тиббиётдаги энг сўнгги ютуқлар намойиш этилмоқда

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида XI халқаро иختисослаштирилган “UzMedExpo — 2018” тиббиёт кўргазмаси очилди.



Бугунги кун тиббиётини замонавий тиббий ускуналарсиз, юқори сифатли дори воситаларисиз тасаввур этиш қийин. “International Expo Group” МЧЖ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Дори-дармон” акциядорлик компанияси, Хорижий фармацевтика компаниялари ваколатхоналари ва ишлаб чиқарувчилари ассоциацияси ҳамкорлигида анъанавий ўтқа-

зиб келинаётган ушбу кўргазма соҳа ходимларини ташхис ва даволаш йўналишидаги энг янги ахборот технологиялари билан ақиндан таништириш, мамлакатимиз тиббиётига илғор хорижий ишланмаларни татбиқ этиш, маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг ўзаро алоқаларини мустақамлашга хизмат қилмоқда.



Долзарб мавзу

Нарх-наво барқарорлигига қандай эришилади?

Аҳоли турмуш фаровонлиги ҳамда уларнинг реал даромадлари ошишида ички истеъмоил бозоридида нарх-наво барқарорлиги муҳим ўрин тутди. Чунки унинг кўтарилиши (инфляция) фуқароларнинг харид қобилиятини пасайтириб, маълум турдаги товар ва хизматлар истеъмолидан воз кечишига сабаб бўлиши мумкин.

Умуман, нархлардаги ўзгарувчанликнинг, албатта, муайян бир тарафга таъсири бўлади. Мисол учун, унинг кескин тушиб кетиши ишлаб чиқарувчиларнинг фойда меъёри ҳамда товар ва хизматлар ҳажми пасайишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатиб, ишсизлик даражаси ортиши каби

салбий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. Аксинча, нархларнинг кескин ортиши эса юқорида айтганимиздек, аҳоли харид қобилияти ҳамда реал даромадларини камайтириб юборади. Шу боис мазкур йўналишдаги ишларга аҳамият қаратиш муҳим вазифалар сирасига қиради.



МУНТАЗАМ РАВИШДА ФИКР АЛМАШИШ МАЙДОНИ ЯРАТИЛАДИ



“Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун Президентимизнинг 2017 йил 15 июндаги Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг экстремизмга қарши курашиш тўғрисидаги конвенцияси ижросини таъминлашга доир фармойиши доирасида ишлаб чиқилган. Унинг асосий вазифалари экстремистик ҳаракатлардан шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлиги, конституциявий тузум ҳамда давлатнинг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг тинчлиги, миллатлараро ва конфессиялараро тотувлиқни сақлашга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Олий Махлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган давра суҳбатида мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, шунингдек, экстремизмга қарши курашишнинг қонунчилик асослари ҳусусида сўз юритилди. Айни чоғда Ўзбекистон томонидан қабул қилинган экстремизмга қарши курашишга доир қонун ҳужжатлари, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, чора-тадбирлар, экстремизмга қарши курашувчи субъектлар ва уларнинг асосий вазифалари, экстремизм билан шуғулланганлик учун

Тибиётдаги энг сўнгги ютуқлар намоиш этилмоқда



Кўргазмада тиббий-илмий ишланмалар, инновацион лойиҳалар, доридармон, тиббий диагностика, лаборатория ва даволаш ускуналари, фармацевтика ҳамда косметика маҳсулотлари, рентгенология, стоматология, физиотерапия, жарроҳлик, кардиология, тиббий реабилитация ва бошқа соҳаларда қўлланиладиган янги препаратлар, техника ҳамда технологиялар, санитария ва гигиена воситалари, махсус мебеллар, минерал қўшимчалар ҳамда витаминлар намоиш этилмоқда.

Тадбирда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари билан бир қаторда, Хиндистон, Қозоғистон, Хитой, Корея Республикаси, Покистон, Россия, Словакия, Туркия, Швейцария каби ўндан ортқ мамлакатлардан 50 дан зиёд етакчи компания ва фирмалар ўз маҳсулотлари билан иштирок этипти.

Қатнашувчилар доираси Покистоннинг универсал

жавобгарлик каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, тегишли давлат ташкилотлари қаторида фуқаролик жамияти институтларининг ҳам экстремизм ва терроризмга қарши курашиш борасидаги профилактик тадбирларининг аҳамияти ошиб бормоқда. Айниқса, ёт ғоялар, ҳозирги замон таҳдидлари-га қарши самарали курашишни ташкил этиш, ёшларни дин ниқобидаги мафкуравий хатарлардан сақлаш ва бошқа долзарб масалаларнинг ҳуқуқий тартибга солинаётгани, қонунчилик базаси мустаҳкамланётгани унинг нечоғлиқ долзарблигини ифодалайди.

Иштирокчилар фикрича, бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашнинг энг муҳим шарти, кафолатидир.

Давра суҳбати якунида “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини ижрочиларга, кенг аҳоли қатламларига етказиш борасида устувор вазифалар белгиланди. Ушбу йўналишда мунтазам равишда фикр алмашиш майдонини яратишга келишиб олинди.

Зиёда АШУРОВА.



Жумладан, ушбу банкнинг транзит ҳисоб рақамига пенсия таъминоти тизими учун иш берувчилар томонидан ўтказилган маблағларга ходимлар реестрлари берилмагани сабабли 2018 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра 768 мингдан ортққ тизим иштирокчилари ҳисобварақларига 16,2 миллиард сўм кирим қилинмаган.

Давлат солиқ қўмитаси ҳамда АТ Халқ банки республика бошқаруви ўртасида реестр тақдим этмаган субъектлар тўғрисида ойлик онлайн маълумот алмашинувни йўлга қўйилган бўлса-да, солиқ идоралари томонидан бу топшириқлар ижросига эътибор берилмаган.

Сенаторлар мазкур тизимда мавжуд муаммоларни ҳал этишда “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун ижросини тўлиқ таъминлаш, тизим маблағларини депозитларга жойлаштиришда амалдаги инфляция даражасини инобатга олиш, ахборот алмашинувининг интерфаол усулларидан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида эса “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасидаги ишлар самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари, амалиёт ва муаммолар” мавзусида конференция ўтказилди.

Анжуманда қайд этилганидек, давлатимиз раҳбарининг ички ишлар органларини ҳар томонлама

Хориждаги юртдошларимиз илмий салоҳияти Ватан равнақига йўналтирилади



Етакчи хорижий олий таълим ва илмий муассасаларда магистратура дастури асосида ўқишга — 1-2 йил мобайнида.

Докторантура дастури бўйича — 1-4 йил мобайнида.

Айтиш кераки, ҳудди шундай имкониятга эга бўлган ёшлардан бири — Бобур Тўраев гарчи собиқ “Истеъдод” жамғармаси ташкил этган танловда илмий чиққан бўлса-да, эндиликда янги жамғарманинг илк қалдирғочларидан бири сифатида хорижда таҳсил олиш имконига эга бўлди.

— Юртимизда тугма юрак касалликлари кўрсаткичи юқори, — дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти магистранти Б. Тўраев. — Шунинг 70 фоиздан ортиги жарроҳлик муолажасига муҳтож. Бу мазкур соҳани тараққий эттиришни тақозо қилади. Лондоннинг нуфузли таълим даргоҳида ўқишни магистратурада давом эттириш бахтига муяссар бўдим. Шу орқали юртимиз тиббиётига, хусусан, таъкидлаб ўтилган йўналиш ривожига ҳисса қўишга астойдил ҳаракат қиламан.

«Эл-юрт умиди» жамғармаси стипендиялари ажратиладиган мақсадлар ва муддатлар			
	хорижий таълим ва илмий муассасаларда малака оширишга – 2 ойгача		етақчи хорижий олий таълим ва илмий муассасаларда магистратура дастури асосида ўқишга – 1-2 йил мобайнида
	хорижий илмий, таълим, иқода муассасалари, давлат идоралари, корхона ва бошқа ташкилотларда стажировка ўташга – 6 ойгача		докторантура дастури бўйича эса - 1-4 йил мобайнида

салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш борасидаги ташаббуси билан ёшларни ички ишлар органларига тайёрлаш тизими тубдан қайта кўриб чиқилди.

Бугунги кунда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази тизимидаги 14 та академик лицей, касб-хунар коллежи бино ва иншоотлари, моддий-техника воситалари, ўқув ускуналари ҳамда бошқа мулклари билан бирга, ўқитувчилар таркибини сақлаб қолган ҳолда Ички ишлар вазирлиги тасарруфида ўтказилган. Таълим муассасаларида 7800 дан зиёд ёшлар ўқитил-япти. Бундан ташқари, Ички ишлар вазирлиги Академиясида тўртта йўналишда етуқ, малакали кадрлар тайёрланмоқда. Буларнинг барчаси ушбу ташаббуснинг амалдаги ифодасидир.

Шу билан бирга, тадбирда мазкур тизим ривожига тўсқинлик қилаётган айрим муаммоларга ҳам тўхталиб ўтилди. Айниқса, ички ишлар органларига кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни жой-жойига қўйиш, кадрлар қўнимсизлигига барҳам бериш борасида амалдаги механизмларни такомиллаштириш, вазирлик тизимида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Муҳокамалар чоғида ички ишлар

Ёшларимиз дунё кўргани, олам уларни тан олгани кони фойда. Шу мақсадда сарфланган маблағ доим ўзини оқлаб келган. Даровке, маблағ ҳақида. Танловдан ўтган стипендиатларга жамғарма стипендиялари қўйидаги ҳаражатларни қоплаш учун берилди. Хорижий таълим ва илмий муассасада ўқиб қийматини тўлаши, стипендиатларнинг виза олиши, барча турдаги транспорт воситалари билан ўқиш жойига қадар йилда бир мартадан ортққ бўлмаган йўлқирани тўлаш, борган мамлакатдаги ўқиш даврида овқатланиш ҳамда транспортга сарфлаш, зарур ўқув ва илмий адабиётлар, дарсликлар харид қилиш, стипендиатларни тиббий суғурталаш ана шулар жумласидандир.

Жамғарманинг молиявий кўмаги билан магистратура ёки докторантура дастурлари бўйича таълим олган стипендиатлар тузилган шартномада кўзда тутилган муддат давомида олий таълим ёки илмий муассаса, вазирлик, идора ва бошқа давлат ташкилотларида ишлаб бериш мажбуриятини зиммасига олади. Аниқроғи, чет элда малака ошириб ёки стажировка ўтаб қайтган

органларида тизимли тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш, ички ишлар органларига ишга қабул қилиш тизимининг шаффофлигини таъминлаш ва соҳада олиб борилаётган ислохотларни кучайтириш лозимлиги айтиб ўтилди.

Бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Парламент юқори палатасининг

Аграр, сўв ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси мажлисида Давлат ветеринария қўмитаси раисининг 2017 — 2021 йилларда Давлат ветеринария хизмати фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури доирасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Жумладан, республика ҳудудига ҳайвонлар юқумли касалликлари кириб келишининг олдини олиш мақсадида чегара ўтиш жойларида, темир йўл станциялари, автомагистраллар ҳамда аэропортларда 23 та чегара давлат ветеринария назорати пункти ташкил қилинган.

Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ҳамда хавфсизлигини таъминлаш борасида истеъмолга яроқсиз, деб топи- лан 122 тонна гўшт, 147 тонна сўт маҳсулотлари ва 2 минг дондан ортққ тухум утилизация қилинган.

«Эл-юрт умиди» жамғармасининг асосий вазифалари:
магистратура ва докторантура дастурлари бўйича танлов ўтказиш ва тайёргарликни ташкил қилиш
давлат тузилмаси, иқтисодиёт тармоқлари, таълим ва илмий муассасаларнинг истиқболли мутахассисларни ривожланган мамлакатлардаги илмий ва таълим муассасларида малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш
илмий ва амалий тажрибага эга бўлган ватандошларнинг электрон реестрини яратиш ва бошқалар

шахс уни тавсия этган олий таълим ёки илмий муассасада, давлат ташкилотларида 3 йилдан кам бўлмаган муддат давомида меҳнат қилади. Агар стипендиат магистратура ёки PhD дастури бўйича чет элда таълим олган ҳолларда эгаллаган мутахассислиги бўйича 5 йилдан кам бўлмаган, стипендиатнинг ўқиши учун кетган харажат миқдори 75 минг доллардан ортққ бўлса, уларга 7 йилгача узлуқсиз ишлаб бериш мажбурияти юкланади.

Гапнинг очиги, имконияту шароит дегани яратиб берилгандан кейин, бундан ташқари, хориждан қайтиб келгач, иш ўрни ҳам, истиқболи ҳам тайин бўлган, ёшларимизнинг астойдил меҳнат қилишларига ишонса бўлади.

Касаликлардан ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилган профилактика ишлари доирасида 31 миллион бош чорва моли 8 турдаги ҳамда 67 миллион парранда 4 турдаги касалликка қарши эмланган.

Мажлисида қилинган ишлар қаторида Давлат ветеринария қўмитаси фаолиятидаги қатор камчиликлар ҳам айтиб ўтилди.

Бугунги кунда чорвачиликка ихтисослаштирилган 5 мингдан ортққ фермер ҳўжаликлари ва 2 мингга яқин паррандачилик ҳўжаликларида ветеринария врачи штат бирлиги мавжуд эмас. Аҳоли истеъмоли учун етказиб берилаётган гўшт ва сўт маҳсулотлари хавфсизлиги тўлиқ таъминланмаган. Хонадонларда ҳамда бошқа рухсат этилмаган жойларда ҳайвонларни сўйиш, нобуд бўлган ҳайвонлардан олинган гўштларни ташиш, қайта ишлаш ва айрим ҳолларда сотиш ҳолатларига тўлиқ барҳам берилмапти. Ветеринария лабораторияларида текширувдан ўтказилмаган гўшт ҳамда сўт маҳсулотларини рухсат этилмаган жойларда сотиш ҳолатлари ўраб турибди.

Бундан ташқари, муҳокамалар жараёнида ветеринария соҳасида илмий изланишлар салмоғи бугунги кун талабига мутлақо жавоб

Халқ сўзи

2018 йил 27 сентябрь

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ, ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИ ЮҚОРИ БОСҚИЧГА КўТАРИШ – БОШ МЕЗОН

бермаслиги ҳам таъкидланди. Ветеринария илмий-тадқиқот институти тузилмасидаги мавжуд 17 та лабораториянинг атиги 8 таси 30 фоиз қувват билан ишламоқда, 9 таси эса умуман ишламаяпти. Институт, асосан, грант маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши сабабли кадрлар қўнимсизлиги даражаси юқори бўлиб, ёш олимларни тайёрлаш ишлари деярли тўхтаб қолган.

Мажлисида сенаторлар томонидан соҳани ривожлантириш мақсадида чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер ҳўжаликларида ветеринария врачи штат бирлигини ташкил этиш, шунингдек, мазкур ҳўжаликларга аутсорсинг шартларида ветеринария хизматлари кўрсатишининг аниқ ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш борасида тавсиялар берилди.

Шунингдек, Сенатнинг **Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси, Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси** йиғилишларида кун тартибига доир масалалар кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мунисхон КАРИМОВА.

Далага ўғит сепадиган дронлар, 5G интернет...



Бу ерда фермерларга агротехник ишларни мониторинг қилиш, ҳатто ўғит сепиш имконини берадиган, республика-мизда ишлаб чиқарилаётган дронлардан тортиб, тадбиркор ёшлар томонидан яратилган роботларни кўришингиз, мобиль телефонингиз билан 5G интернет тармоғининг тезлигини синовдан ўтказишингиз, электрон ҳукумат соҳасидаги энг сўнгги янгиликлар билан эса www.gov.uz стендида танишингиз мумкин.

— Кўргазмада илк бор қатнашяпмиз ва бугуннинг ўзидаёқ В2В музокара-ларимиз катта муваффақият келтирди, — дейди Россиянинг “Росоператор” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси вакили Денис Смирнов. — Корхонамиз “ақлли шаҳар”, Фото ва видеоқўзғатув тизимла-ри, маълумотлар билан ишлаш марказ-



лари, биноларга кириб чиқшни назорат қилиш, ёнғин хавфсизлиги сингари кўплаб йўналишларда инновацион ечимлар тақдим қилади. Ўзбекистонда, айниқса, “ақлли шаҳар”, “хавфсиз шаҳар” технологияларини жорий қилишга қиришилганини эшитиб, ушбу ҳафталикда иштирок этишга қарор қилдик. Бундай тадбирнинг оддий кўргазма бўлиб қолмай, турли форумлар, акцияларни ўзига бирлаштирган ҳафталик шаклида ўтказилиш соҳанинг барча вакилларига бирдек фойдали, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, “Ўзэкспомарказ” конфе-ренц-залида соҳадаги ҳозирги жараён-лар муҳокамасига бағишланган “DIGITAL UZBEKISTAN” форуми ҳам бўлиб ўтди. У Ўзбекистонда ахборот технологияларини янада ривожлантириш масалалари ва соҳадаги муаммоларни муҳокама қилиш, давлат органлари, мутахассислар ҳамда бизнес вакиллари биргаликда стратегик ечимлар ишлаб чиқиши учун баҳс май-донига айланди.

Ҳафталик доирасида ўтказилаётган турли форумлар, конференцияларда ахборот узатиш, реклама, ижтимоий тармоқлар, электрон тижорат ва бизнес, ахборот хавфсизлиги, тармоқларда инсон ҳуқуқлари ҳамда дахлсизлиги, давлат ман-фаатларини ҳимоялаш масалалари бўйи-ча соҳада ишлаётган минглаб мутахассис-лар фикр алмашмоқда. Тадбиркорлар ва корхоналар янги ҳамкорлар топиш ҳамда тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш, ис-теъмолчиларнинг талаб ва истакларини бевосита эшитиш имконига эга бўлади.

Ботир ҒОҒУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Динора ЧИРҚОВА ва
Ҳаким ЙўЛДОШЕВ олган суратлар.

Нарх-наво барқарорлигига қандай эришилади?



Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, валюта сиёсатини либераллаштириш шароитида республика-мизда нарх-навонинг кескин ўсиб ке-тишига йўл қўймаслик, фуқаролар турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган комплекс чора-тадбир-лар амалга оширилмоқда.

Бу борада, яъни аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш мақсадида ўтган йилдан ҳозирги пайтгача 155 миллион АҚШ долларини миқдори-да шакар, ўсимлик ёғи, картошка, товۇқ ўштирти каби маҳсулотлар чет-дан келтирилди.

Шунингдек, ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш учун импорт асосида олиб келинадиган 6200 турдаги товарлар бўйича “ноль” қийматидаги импорт божлари ўрнатилди. 8 мингдан ортққ товар-лар бўйича акциз ва божхона тўлов-лари икки маротаба камайтирил-ди. 2017-2018 йиллар қиш-баҳор мав-суми учун захирага олинган жами 445,2 минг тоннадан ортққ асосий турдаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулот-лари (картошка, гуруч, сабзи ва пиёз) ички бозорга мақбул нархларда етказиб берилди.

2018 йилнинг 1 январидан бошлаб эса республикамизда ишлаб чиқари-лаётган товарлар бўйича нархларни белгилаш ва реализация қилишни босқичма-босқич бозор тамойиллари асосида амалга ошириш чоралари қўрилмоқда.

Эътиборлиси, бугун мамлакатими-з да 27 турдаги, хусусан, нефть маҳсу-лотлари, цемент, қора металллар про-кати, мис, пахта толаси ва бошқа юқори ликвидли маҳсулот турлари, хом ашё ҳамда материалларни ички бозорда фақат бижра савдоси орқали бозор тамойиллари асосида сотиш тизими яратилган.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармонига асосан, гўшт маҳсулотла-ри, ўсимлик ёғи ва шакар ишлаб чи-қарувчи корхоналар ҳамда импорт қилувчи ташкилотлар 2019 йил 1 ян-варгача божхона тўловларидан озод қилинди. Қолаверса, алоҳида импорт қилувчи корхоналарга берилган им-тиёзлар бекор қилиниб, аҳолининг барча қатлами учун тенг шароитлар жорий қилинди. Мазкур ҳолат ҳам ички бозорда ушбу маҳсулотлар нархлари барқарорлигини таъмин-лашда қўл келди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатли-гини яхшилаш борасида ҳам қатор ишлар олиб борилмоқда. Жумладан,

дори воситалари ва тиббиёт буюм-лари билан ишончли таъминлаш мақ-садида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган 820 турдаги дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ижтимоий до-рихоналар томонидан уларнинг сотиб олиш қиймати ёки улгуржи нархига 10 фоиз чекланган савдо устамаси қўлланилган ҳолда амалга оширили-ши белгилаб қўйилди.

Юқорида тилга олинган комплекс чора-тадбирлар самараси ўлароқ, жо-рий йилнинг 8 ойдаи инфляцияни да-ражаси 6,2 фоизни ташкил қилди. (Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мазкур дав-рида 9 фоиз эди). Ўртача нархлар эса, масалан, картошка бўйича жо-рий йилнинг бошидаги 3 580 сўмдан август ойида 1 400 сўмгача, тухум 660 сўмдан 485 сўмгача, пиёз 1 950 сўмдан 980 сўмгача пасайди.

Табийки, нархларнинг пасайиш ҳолати барча маҳсулотларга бирдек таъсир қўрсатгани йўқ. Айрим тур-даги озиқ-овқат маҳсулотлари ким-матлашмоқда. Жорий йилнинг 8 ойи давомида мол гўшти нархи 20,9 фоиз, қўй гўшти 20,5 фоиз ҳамда гу-ручининг баҳоси 43,7 фоиз ўсгани ку-затилгани фикримиз тасдиғидир. Шундан келиб чиқиб, тегишли ва-зирлик ва идоралар томонидан чор-вачилик соҳасини янада ривожлан-

тириш, ушбу йўналишдаги ҳўжалик-ларни зарур озуқа-ем маҳсулотлари билан таъминлаш, соҳада селекция ишларини ривожлантириш, гўшт ет-казиб бериш тизимини янада тако-миллаштириш, илгор тажрибаларни жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, ҳукуматимиз-нинг тегишли қарорига кўра, чорва-чилик ва балиқчилик йўналишидаги тадбиркорлик субъектларига давлат ресурсларидан бугдой ажратилиши белгиланиди.

Даровке, ҳукуматимиз томонидан жорий йилнинг 15 сентябридан бош-лаб 1 килограмм биринчи навли буг-дой учининг улгуржи нархи 1 400 сўм этиб белгиланиши, қолипли нон эркин бозор нархи бўйича 1050 сўмда сотилишига рухсат берилиши омма-вий ахборот воситалари ва ижтимо-ий тармоқларда турли баҳс-муноза-ларга сабаб бўлмоқда.

Авваламбор, шуни унутмаслик ке-ракки, Ўзбекистон аҳолисининг ун маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг бир қисмигина давлат ресурслари ҳисобидан таъминланади. Қолганла-ри фермер ва аҳоли ихтиёридаги дон, импорт орқали кириб келган бугдой ҳамда ун ҳисобидан қопланади.

Республикамизда жорий йилда 5 миллион 200 минг тоннадан зиёд

Бетакрор табиат ва қадимий осориатиқалар туризм ривожини учун жуда катта имкониятдир



Ушбу йўналишда юртимизда амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътиборга моликдир. Бунинг самараси ўлароқ, сайёҳлар учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар халқроқ миқёсда эътироф этилаётир.

Хусусан, шу йилнинг ёзида дунёга машхур "Lonely Planet" журнали "Осиёдаги саёҳат учун энг мақбул жойлар рейтингини"ни эълон қилди. Ўзбекистон илк бор мазкур рўйхатга киритилиб, Жанубий Кореядан кейин иккинчи ўринни эгаллади. Юртимиз ўзининг жозибadorлигини бўйича Вьетнам, Япония, Таиланд, Непал, Шри-Ланка, Хитой ва Индонезия сингари давлатлардан юқориқроқ поғонада қайд этилди.

1972 йили Австралияда ташкил қилинган мазкур журнал туризм журналистикасидаги етакчи нашр ҳисобланади. 2007 йилдан буён у "BBC Worldwide" гуруҳига қиради. Ҳар йили 500 дан ортиқ наشرлар,

соҳасидаги янги давлат сиёсатида асос бўлди, тизим қорхоналарига солиқ ва божхона имтиёзлари берилди. Президентизмининг жорий йил 3 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эса бу борадаги ишларни янада жадаллаштиргани билан аҳамиятлидир.

Яна бир янгилик: яқинда "Ўзтемирийўлийловчи" АЖ томонидан туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида Тошкент марказий вокзалида сайёҳлик агентликлари учун пул ўтказмалари орқали чипта хариди бўйича хизмат қилувчи махсус чиптахона ташкил этилди. Бу сайёҳлик агентликларига хужжатларни расмийлаштириш, чипталарни харид қилишда қўшимча қўлайликлар яратди. Мазкур қассада ҳар бир сайёҳлик агентлиги билан шартномаларни чиптахонанинг ўзида тузиш, ҳужжат-



китоблар, қўлланмалар чоп этади.

Журналда республика-мизда туризм жабҳаси ривожига замонавий босқич бошлангани, тизимда амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо берилиб, жумладан, шундай дейилади: "...2017 йилнинг сўнгига келиб, мамлакат улкан зафарларга эришди. Туризм соҳаси чет элликлар учун янгитдан очилди, деса, му-болага бўлмайди. Виза тартибининг соддалаштирилгани, электрон визалар жорий қилингани, баъзи давлатлар фуқаролари учун визасиз тартибнинг татбиқ этилгани муҳим воқеалар бўлди. Янги ҳаво йўлларининг очилиши, темир йўллар тармоғининг кенгайиши кўҳна шаҳарларга бориш учун кенг имкони-ятлар яратди".

Тахлилчиларнинг фикри-ча, республика-мизда ке-чаётган ижобий жараёнлар унинг сайёҳлик имкониятла-ри ва меҳмондўстлик анъа-наларини дунёга янги жиҳат-дан танитишга хизмат қилаётир.

Таъкидлаш жоизки, мам-лакатимизда ушбу йўналиш-даги ишларни кенгайтириш, туризм салоҳиятини ком-плекс равишда ривожланти-ришга йўналтирилган 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳуж-жатлар қабул қилинган. Улар, ўз навбатида, туризм

ларни расмийлаштириш, пул ўтказмаларини ҳисоб-китоб қилиш, туристик агентлик-лар томонидан буюртмалар-ни ўз вақтида қўриб чиқиш ҳамда уларни назорат қилиш, гуруҳли буюртмалар-га чипталарни соддалашти-рилган ҳолда расмийлашти-риш жараёнлари амалга оширилади. Бунинг учун махсус ходимлар ажратил-ган бўлиб, юқори даражада сервис хизмати кўрсатиш ишларини олиб боришади. Иш вақти ҳар куни 12 соат-ни ташкил этади.

Туризмни ривожланти-риш давлат қўмитасидан олинган маълумотларга кўра, ўтган йили юртимиз-га 1,5 миллион нафар сайёҳ ташриф буюрган. Бу кўрсат-кич жорий йилнинг саккиз ойида эса 3,4 миллионни ташкил этмоқда. Мана шу рақамдан ҳам англаш мум-кинки, дунё ахли орасида Ўзбекистонда бўлишни, юртимиз билан яқиндан танишишни хоҳловчилар сафи тобора кенгаймоқда. Бинобарин, жонажон юр-тимиз бой маънавий-мада-ний меросга, турли-туман тарихий-археологик объект-ларга, қулай табиий-иқлим шароити ва кўп тармоқли ижтимоий инфратузилмага эга.

Дилшод УЛУҒМУРDOV,
"Халқ сўзи" мухбири.

«ХИЗМАТДАН ОРТГАН КУЧИНГ, ВАҚТИНГ БЎЛСА БИЛИМ ОЛ.

Абадийят

Устоз — отангдек улуғ. Халқимиз қалбида яралиб, онгу шууридан мустаҳкам ўрин олган мазкур пурмаъно хикмат асрлар давомида тиллардан тилларга, диллардан дилларга, демакки, авлоддан авлодга безавол ўтиб келяпти.

Буни қарангки, милoddан аввалги 551 — 471 йилларда яшаб ўтган хитойлик мутафаккир Конфуций ҳам жамият тараққиётида, ёш авлоднинг комил инсон бўлиб вояга етишида, миллатнинг муносиб давомчиси ва келажакнинг ватанпарвар бунёдкорига айланишида устозларнинг ўрни

ниҳоятда бекиёс эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган экан. Зеро, устозлар берган билимлар, ўғитлар, панд-насиҳатлар цивилизацияларнинг пайдо бўлиши учун асос яратгани ҳеч кимга сир эмас.

Орадан неча юз йиллар ўтса ҳамки, дунёда Шарқ, хусусан, Хитойда вужудга келган фалсафий билимларга бўлган қизиқиш асло сўнгани йўқ, аксинча, кучайиб бормоқда. Ҳаёт мазмуни, табиат билан уйғунлашиб кетишга интилаётган ҳар бир инсон эртами-кечми Чин улқаси доғишмандларининг бетакрор олами-ни ўзи учун, албатта, кашф қилади.



БИЛИМ ОЛИШДА ОРТИҚЧА КУЧИНГ, ВАҚТИНГ БЎЛСА, ХИЗМАТ ҚИЛ»

ХИТОЙ маънавий-ахлоқий маданиятидаги энг ёрқин воқеалардан бири, шубҳасиз, конфуцийлик таълим-мотининг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Милoddан аввалги V асрда яшаб ўтган буюк олим Конфуций (асл исми Конг Чю) унинг асосчиси ҳисобланади. Бугун дунёга машхур бўлган мазкур ном хитойчадан тар-жимма қилинганда, "фалсафа ўқитув-чиси" деган маънони англатади.

Конфуций фалсафаси нафақат Хитой Халқ Республикаси фуқаро-лари турмуш тарзи учун дастурил-амал ҳисобланади, балки Жануби-Шарқий Осиё ва бошқа мамлакат-ларда ҳам кенг тарқалган, қўлаб халқлар ахлоқий-этик қадриятлари билан ҳамоханглик касб этади. Ма-салан, унинг мафкурасида ўз акси-ни топган катталарга ҳурмат, ёшлар-га ҳомилийк ва ғамхўрлик қилиш, халқчиллик ўзбек халқи менталите-тига ҳам мос тушади.

Конфуций ҳаёти даврида кўплаб асарлар ёзган. Унинг вафотидан сўн-ғи шоғирдлари томонидан тўплаб, я-ратилган "Лун Юй", яъни "Сўхбат ва мулоҳазалар" китоби энг машхури саналади (ушбу бебаҳо асар ўзбек тилига ҳам ўтирилган). Унда адолат, ватанпарварлик, инсонпарварлик, устоз ва шоғирд муносабатлари, адолат ҳамда ҳақиқат, ўзаро ҳам-жихатлик, халқона урф-одатларга қатъий риоя этиш, оқиллик, соғлом фикр, донолик, ўзига четдан қараш ва баҳо бериш, самимият, поклик, саҳийлик, олижаноблик, халқсевар-лик, мамлакатни бошқариш, давлат ҳамда жамиятнинг уйғун қурилиши каби бугунги кунда ҳам ўз долларб-лигини йўқотмаган тушунчаларга ало-ҳида тўхталиб ўтилган, қимматли фикрлар билдирилган. Уларнинг меҳ-вариди шахс учун ўзини ўзи тиним-сиз маънан такомиллаштириб бориш қатъий қоида эканлиги мустаҳкамлан-ган. Бинобарин, 1988 йилда Халқро Нобель мукофотининг Париждаги йи-чилиши муносабатномасида ҳам "Ин-соният XXI асрда яшаб қолишни истаса, 25 аср илгари яшаб иход-этган Конфуцийнинг доғишмандли-гидан яхши хабардор бўлмоғи дар-кор", дея муҳрлаб қўйилган.

Конфуций тасаввурида идеал тимсол ким? У юксак ахлоқий қиёфа-га эга, инсонпарварлик, кичкин кат-тага, шоғирдини устозга, ходимни раҳбарга бўйсунуши принциплари-га қатъий риоя этувчи давлат хиз-матчисидир. Юксак фаровонликка одамларга муҳаббатли ва адолатли инсонларига эриша олади. Унинг неғизида "Ўзинга раво кўрган на-рсани ўзгага ҳам раво кўр" мезони мужжасамлашган.

Конфуций инсонпарварлик, доно-лик, самимийлик, тўғрисиўзлик, жа-сорат ва қатъийликни севишни ол-тита ахлоқий фазилат, деб кўрсата-ди. Булардан сабоқ олишни севмас-лик, аксинча, олтига нуқсон эканли-гини ўқтиради. У оилада эҳтиромли муносабатда бўлиш, ишда жиддий ва тиришқоқ, кишиларга нисбатан самимийлик инсонпарварлик экан-лигини алоҳида қайд этади.

Файласуф оқил раҳбарлик хусу-сида ҳам теран мулоҳазалар юрит-

ган. Унга бир сафар "Қай йўл билан халқни итоат эттириш мумкин?" дея савол беришганда, шундай жавоб қайтаради: "Хизматга адолатли ки-шилар танланиб, виждонсиз киши-лар четга суриб қўйилса, халқ итоат этади. Хизматга виждонсиз кишилар танланиб, адолатли инсонлар четга суриб қўйилса, халқ ҳокимиятга бўйсунмайди". Конфуций озиқ-овқат мўллиги, қурол-ярроғ етарлигидан қўра халқнинг ҳукуматга нисбатан ишончини устун қўяди. Шу боис шоғирди Зилу давлатни қандай идора этиш ҳақида сўраганда, "Халқнинг тиришқоқлик билан иш-лашига ўзинг намуна бўл" дейди.

Устоз "Мақсаднинг ортидан тез

ши, маърифатпарварлиги билан дўстлик ришталарини боғлаши, дўстликнинг кўмағида инсонпарвар-лик фазилатларини тарбиялашни, ақли одам саросимага тушмасли-ги, инсонпарвар одам ҳасрат қил-маслиги, жасур одам ҳадиксирамас-лигини айтиб ўтган.

Конфуций ўша пайтларга хос ил-латларни ҳам кескин фoш этади. Ху-сусан, "Исрофгарчилик ва дабдаба-бозлик итоатсизлик сингаридир. Те-жамкорлик ва соддалик абгорлик ка-бидир. Итоатсизликдан эса абгор-лик яхшироқ" дея қайд этиб ўтади. Таассуфки, милoddан аввалги давр-лардаги бундай нуқсонлар бугунги кунда ҳам учраб турибди.

Конфуций хикматлари:

● *Ҳақиқий билим — кимнинг-дир билимсизлиги-дан сақланмақдир.*

● *Фикрламай илм олмоқ — беҳудалик;*

билим билан сугорилмаган тафаккур эса хатардир.

● *Ҳақиқатни кўрмоқ ва унга интилоқ — ёки жасорат, ёки тарбия маҳсули.*

● *Олий одам уч ҳолатда ўзини сақлай олади: ёшлиқда ҳирсдан, куча тўлганда жанжалдан, кексалиқда очкўзликдан.*

● *Келажак учун курашмоқчи бўлсанг, ўтмишни ўрган.*

● *Олижаноб одамнинг излагани — ўзи, насткашининг қидиргани эса ўзгалар.*

● *Моддийётнинг ортида эзгулик ниш урмоғи учун беш нарса кифоя: кўнгул кенглиги, самимият, шиддат, яхшилик ва жиддийлик.*

● *Ўз хатоларингни тан олишдан уялма, акс ҳолда улар жиноятга айланғуси.*

● *Жароҳатларни унут, лек зинҳор яхшиликни ёдиндан чиқарма.*

● *Кимки исрофни билмаса, азобни билур.*

● *Эшитдим — унутдим. Кўрдим — эслаб қолдим. Бажардим — тушундим.*

● *Ҳаракатдаман-ку, дея эмакламоқ — бу ҳаракат эмас.*

● *Олий одамнинг нутқи сокин, ҳаракати жўшқин бўлур.*

● *Агар инсон йўлга мақсадсиз чиқса, қадам босар-босмасданоқ фалокатга йўлиқур.*

● *Ҳақиқатпарвар инсоннинг биринчи қадами — нўноқ, аммо манзили — порлоқ бўлғуси.*

● *Агар йўқотишларга дуч келсангиз, уларни йўқотиб қўйишдан ваҳимага тушманг. Йўқотиш ортидан, албатта, топилмалар ҳам келғусидур.*

● *Эзгулик ҳеч вақт ёлғиз қолмаган. Уни синаб кўрган инсон ўзини яхшиликка қўшни, деб ҳисоблайверсин.*

чопиб бўлмайди. Кичик фойдани кўзлаб бўлмайди. Мақсаднинг кети-дан тез чопсанг, аксинча, мақсадинг-га етиша олмайсан. Кичик фойдани кўзласанг, катта ишларни бажара олмайсан", дея насиҳат қилар экан, инсон ўзи юраётган йўлни буюк қила олади, йўл инсонни эмас, дея таъкидлайди.

У олижаноб инсон дунёвий иш-ларни бир-биридан ажратиб бажар-маслиги, балки бурчга кўра иш қили-

Мутафаккирнинг огоҳлик ва доим сергак бўлиш ҳақидаги ушбу сўзла-ри ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган: "Ҳушёр бўл, худди жар ёқасида тур-ган каби. Ҳушёр бўл, худди юпка муз устида юрган каби".

Файласуфнинг "Мансабни йўқли-гидан қайғурма, балки оёқда мус-тахкам тура олиш қобилиятинг йўқлигидан қайғур. Ўзгалар сени билмасликларидан қайғурма, балки кишилар сени билишларига арзий-

ди. "Билим олар экан, олинган би-лимни тақрорлаб туриш фойдали-эмасми?", "Урганган билимларни хо-тирада сақлаш, қанча ўқиб-ўрганил-масин, бундан қониқиш ҳосил қил-маслик, ўзгаларга сабоқ бериб то-ликмасликнинг нимаси қийин?" де-ган пурмаъно риторик саволларни ўртага ташлайди. У туғилиши билан билимли бўлиб қолмагани, қадимги маданиятга бўлган муҳаббати, ўқийша бўлган иштиёқи ва тириш-

қоклиги туфайли билимга эришган одам эканлигини эътироф этади.

"Хизматдан ортан кучинг, вақтинг бўлса билим ол. Билим олишда ор-тиқча кучинг, вақтинг бўлса, хизмат қил", дейди мутафаккир.

Конфуций биринчилардан бўлиб барча инсонлар тоифага ажратил-масдан бирдек таълим олиши за-рурлиги ҳақидаги тамойилни илгар-и сурган шахс ҳисобланади.

Инсоният тамаддуни тараққиёти-га ўз салоҳияти билан улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккирнинг эзгу сўзлари, орзу-ниятлари рўёби Ўзбе-кистонда сўнгги икки йилда амалга оширилаётган ангиланишларда ҳам ўз инъикосини топмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламыз.

Ав-вало, жамиятда таълим-тарбиянинг тутган роли, устоз ва мураббийлар-нинг мақомини тубдан ошириш, маънавий қиёфаси, обрў-эътибори-ни юксалтириш, уларни ҳар томон-лама қўлаб-қувватлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўна-лишларидан бирига айланди. Бу пе-дагогларга улкан рағбат бериши баробарида зиммаларига устоз де-ган улуғ номга муносиб бўлиш учун тинимсиз изланиш, ёшларга ҳақиқий билим беришдек шарафли касб қадрини чуқур англаб етиш масъулиятини ҳам юклади. Конфуций ҳам "Агар сен халқингни бир йил боқмоқчи бўлсанг, буғдой эк, ўн йил боқмоқчи бўлсанг, даррахт эк, агар асрлар давомида боқмоқ-чи бўлсанг, билим, илм эк", дея бежиз айтмаган.

Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарининг ташкил этилиши, суд ҳокимияти мустақил-лигининг қатъий мустаҳкамланиши, мамлакат тарихида илк бор афв институтининг жорий этилиши, хо-рихга чиқиб кетган ҳамюртларимиз-ни Ватанга қайтариш бўйича олиб борилаётган ишлар, яхши қўшничи-лик муносабатларининг йўлга қўйи-лиши ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлайди.

Шу маънода, юртимизда Конфуций ҳаёти ва ижодини ўрга-нишга алоҳида эътибор қаратилаёт-ганини ҳам қайд этиш даркор. Айни пайтда Тошкент ва Самарқандда Конфуций институтлари фаолият юритмоқда. Самарқанд давлат уни-верситети худудда ушбу буюк фай-ласуф хайкали ва ҳиёбонини қуриш ишлари олиб бориляпти. Бу эса на-фақат Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги ривожла-ниб бораётган қадимий дўстлик ало-қалари, икки халқнинг тобора мус-тахкамланаётган ўзаро илм-фан, ма-даный ҳамда маърифий ришталари-га, балки Устоз ва Мураббийлар ша-рафига қўйиладиган бебаҳо, шарқо-на ёдгорликка айланиши, шубҳасиз.

Муртазо РАҲМАТОВ,
иқтисод фанлари доктори,
профессор,
Бақридин ЗАРИПОВ,
биология фанлари доктори,
профессор.

ЭЪЛОН

Тошкент давлат стоматология институти

олий ўқув юртидан кейинги таълимга қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2019 йил учун қабул эълон қилади.

Таянч докторантура (PhD)

14.00.21 — Стоматология — 7 ўрин.
14.00.19 — Клиник радиология — 1 ўрин.
03.00.04 — Микробиология ва вирусология — 1 ўрин.

Докторантура (DSc)

14.00.21 — Стоматология — 1 ўрин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сонли қарори талабларига биноан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, бошқа давлатлар фуқаролари қабулда қатнашиши мумкин.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй, ТДСИ илмий бўлими.

Ҳужжатлар 2018 йил 15 октябргача яқшанба ва байрам кунларидан ташқари ҳар куни соат 10.00 дан 15.00 гача қабул қилинади.

Маълумот учун телефон: (0-371) 230-20-66.

Илмий бўлим бошлиғи У. А. Шукурова.

ТОШКЕНТДАГИ КОНФУЦИЙ ИНСТИТУТИ ЯНГИ МАНЗИЛГА КЎЧДИ

Эндиликда Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги Конфуций институти ўз фаолиятини пойтахтдаги политехника касб-хунар коллежи биносида давом эттиради. Хозирча унинг аудиториялари 850 квадрат метр майдонни эгаллаган. Коллежга қабул тўхтатилди. Иккинчи ва учинчи босқич ўқувчилари тахсилни тугатгач, бундан уч баравар катта корпус институт ихтиёрига берилади.

ТАЪЛИМ

Рамзий кўчиб ўтиш маросимида қатнашган ХХРнинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Цзян Яннинг изоҳлашича, институт майдони-нинг кенгайтирилишига сабаб хитой ти-лини ўрганишга қизиқувчилар сонининг ортганидир. Хозирги кунда Тошкент ҳамда Самарқандда фаолият кўрсатаётган Конфуций институтларида дунёдаги энг мураккаб тиллардан бирини икки мингга яқин ўзбекистонликлар ўрганмоқда. Ўз навбатида, Чин улқасининг тўртта олий ўқув юртида ўзбек тили йўналишлари очилган. Элчининг сўзларига кўра, бу халқларимиз бир-бирини янада яхшироқ танишга интилаётгани, маданий-гумани-

тар алоқалар мазмунан бойиб бораётганидан далолатдир. — Ушбу ўқув йилида 780 кишини қабул қилдик. Ҳолбуки, талаб икки бара-вар кўп эди, — дейди ин-ститутнинг Ўзбекистон томо-нидан директори Саодат Носирова. — Машғулотлар уч сменада олиб бори-лади. Ўқитувчиларимиз орасида хитой-ликлар билан бира, ХХРда малака оширган маҳаллий педагоглар ҳам бор. Қайд этиш жоизки, Хитойда таҳриба ошириб келиш педагогларимиз учун мажбурий талаб, деб белгиланган. Хитой тили, асосан, инглиз тили би-



лан чекланиб қолишни истамаётган билимга чанқоқ ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бироқ илмга интилиш ёш танламайди: Конфуций институтида тах-сил олаётган энг кичик ўқувчи 8 ёшга тўлган бўлса, 65 ёшида бу қадимги тил-ни ўрганишга киришганлар ҳам бор.

Р. АЛИШЕРОВ.

1 октябрь — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ



Бугунги кунда ўқитувчининг жамияттаги мавқеини юксалтириш, уларга қатор имтиёз ва енгилликлар беришга қаратилган ижобий ўзгаришлар ҳақида соҳа вакиллари, устоз-мураббийлар мамнуният билан сўз юритишмоқда. Бунини куйидаги дил сўзларидан ҳам яққол илғаш мумкин.

Навқирон авлод камолоти ушун масъулми?

**Назокат ВОХИДОВА,
Ўзбекистон Республикаси
халқ ўқитувчиси
(Шахрисабз тумани):**

— Ҳар сафар мактаб остонасига энди қадам қўйган ўғил-қизлар билан танишиш чоғида, улар вояга етиб, жамиятта қандай наф келтиришар экан, деб ўйлайман. Айнан шунинг учун ҳам ҳар бир ўқувчига алоҳида ёндашаман, уни тўғри йўналтиришга ҳаракат қиламан. Албатта, бунинг учун педагогга кўп вақт ва куч зарур. Қувонарлиси, энди ана шундай имкониятга эгамиз! Илгари сурункали мактаблар, доимий текшир-текширлар, қоғозбозликлар, пешма-пеш ҳашарлар туфайли фаолиятимиз билан тўлақонли шугуллана олмасдик. Жамоатчилик ишини биринчи ўринга қўйиб, болаларни қизиқарили ва чуқурлаштирилган дарслардан мосуво қилдик. Бугун булар ортда қолди ҳамда энди бор куч ва салоҳиятимизни, билимимизни таълим сифатини оширишга сарфляпмиз. Яқинда бизнинг 78-мактабга янги компьютерлар, замонавий жиҳозлар олиб келинди. Энг сўнгги русумдаги интерактив доскалар ҳам келтирилиши кутилмоқда. Бу — ёш авлод учун ажойиб туҳфа!

Ёшим 57 да. Шунга қарамай, дам олмакчи эмасман. Соҳамизда шунчалик ижобий ўзгаришлар кўпки, бу ғайратимга ғайрат қўшяпти. Ойлик иш ҳақларининг оширилиши, пенсияларнинг юз фоиз тўланиши, қўшимча мукофотлар ва имтиёзлар шулар жумласидандир. Ижобий ўзгаришлар шарофати билан ҳамкасбларим ичида янги гоғлар билан кўзлари чакнаб турган ёш ўқитувчиларни кўрапман.

**Светлана ИНОФОМОВА,
Шайхонтоҳур туманидаги
19-умумий ўрта таълим мактаби директори:**

— Бундан 82 йил аввал қурилган мактабимиз “Обод маҳалла” дастурига киритилгани, таълим дароҳимиз кўз ўнгимизда ўзгариб бораётгани бизни қувонтирди.

Ўқитувчилар мавқеини оширишга қаратилган чора-тадбирлар шарофати билан ўқув йили бошидан мактабимиздаги кадрлар таъминоти 100 фоизга етди. Ниҳоят, ёшларда касбимизга бўлган қизиқиш қайта уйғоняпти.

Ўқув муассасаларини бошқаришга дахлдор бўлган ўзгаришларни ҳаяжон ва рағбат билан кутиб оляпман. Амалиётда шунга ишонч ҳосил қилдимки, мактаб директори нафақат яхши педагог, балки

лаёқатли менежер ҳам бўлиши керак. Бугун айнан шундай ролни зиммамизга олганмиз. Бу эса мактабга бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш учун янги имкониятлар эшигини очди. Илгарилари қўшимча хизматлар эвазига олинган маблағларнинг 60 фоизини топширишга тўғри келарди. Энди эса унинг 99 фоизи ўз ихтиёримизда қолдириляпти. Бу янада фаол ва фидойилик кўрсатиб ишлашимизга туртки беради. Жамомиз билан ҳадемай менталь арифметика, тез ўқиш, шахмат тўғрараклари, богча ёшидаги болалар учун курслар, кунини узайтирилган гуруҳлар очишни режалаштирганмиз.

**Илюша ДИЛЬМАНОВ,
филология фанлари номзоди, Ажиниёз номидаги Нукус давлат
педагогика институти доценти, “Шуҳрат” медали соҳиби:**

— Мамлакатимизда рўй бераётган янгилинишлар таълимнинг барча босқичида ўз ифодасини топмоқда. Бунинг биз тўлиқ ҳис қиляпмиз. Шарқда устоз-мураббий меҳнати ҳамиша қадрланган. Кейинги йилларда жамиятда ўқитувчи обрўси бирмунча пасайишига гувоҳ бўлдик. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан вазият ўзгараётгани барчамизни қувонтирмоқда. Жорий йил давомида тарбиячилар, мактаб ўқитувчилари ва олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ойлик маошлари сезиларли даражада оширилди. Касбимиз эгаларига уй-жой, автомобиль ва бошқа мол-мулк олишлари учун имтиёзли кредитлар тақдим этилди. Яқин кунларда жойларда “Ўқитувчи

ва мураббийлар хийбонлари” очилиши кутилляпти.

Яна бир муҳим томони, нафақат фаолият юритаётган, балки бўлажак педагоглар ҳам давлат томонидан қўллаб-қувватланяпти. Шимолий ҳудудларда малякали педагог кадрлар етишмовчилигини бартараф этиш мақсадида жорий ўқув йилидан бошлаб институтимизда бакалавриятнинг алоҳида йўналиши бўйича таълим уч йилгача, магистратурада эса бир йилгача қўсқартирилди. Уларда 750 талаба ўз сеvimли ишидан айрилмаган ҳолда ўқийдиган бўлди.

**Юлия ЛОГВИНА,
Алена АМИНОВА,
Малика АБАЙДУЛИНА
ёзиб олди.**

ХАЛҚ BANKI Акциядорлик тижорат Халқ банкининг «Кўҳна Хива» тиражли, пул-буюм ютуқли лотереяси иштирокчилари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкининг «Кўҳна Хива» тиражли, пул-буюм ютуқли лотереяси ютуқлар тиражи 2018 йил 28 сентябрь куни Хива шаҳрида, Ахборот технологиялари касб-хунар коллежи биносига очиқ тарзда ўтказилади.

Ўйин иштирокчилари ютуқлар тиражини бевосита залда кузатиш имкониятига эга.

Лотерея иштирокчиларига омад тилаймиз!

Ўйин ташкилотчиси.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ, ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ

олий ўқув юртидан кейинги таълимга қуйидаги ихтисосликлар бўйича
2019 йил учун қабул эълон қилади:

Таянч докторантура (PhD)

- 05.02.01 — Машинасозликда материалшунослик. Қўймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металллар металлургияси — 1 ўрин.
- 05.08.06 — Гилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш — 3 ўрин.
- 05.09.02 — Асослар, пойдеворлар ва ер ости иншоотлари, кўприклар ва транспорт тоннеллари, йўллар, метрополитенлар — 2 ўрин.

Докторантура (DSc)

- 05.08.06 — Гилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш — 1 ўрин.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар:

- ариза;
- сўровнома;
- тиббий маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи, фан номзоди дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- илмий журналларда ҳамда нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта), илмий ва илмий-амалий конференция, семинар ҳамда давра суҳбатлари тўпламларида фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича бошқа илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
- етакчи олимлардан бирини илмий маслаҳатчи сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги.

Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб жорий йилнинг 15 октябригача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 20-уй, 301-хона. Телефон: (0-371) 232-15-34.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945. 76 732 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзлонгар (0-371) 232-11-15.



ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ эгалланган лабозимларга қуйидаги кафедралар бўйича танлов эълон қилади:

- 2-Ички касалликлар кафедраси: кафедра мудир, ассистент.
- 1-Ички касалликлар кафедраси: стажёр ўқитувчи.
- Ижтимоий ва гуманитар фанлари кафедраси: кафедра мудир — вакант.
- Неонатология кафедраси: кафедра мудир, ассистент.
- 1-Стоматология кафедраси: ассистент.
- 2-Стоматология кафедраси: стажёр ўқитувчи.
- Хирургик стоматология кафедраси: стажёр ўқитувчи.
- Пульмонология ва клиник алергология кафедраси: ассистент.
- Функционал диагностика кафедраси: доцент, ассистент.
- Педиатрия кафедраси: доцент, ассистент.
- 2-Акушерлик ва гинекология кафедраси: ассистент.
- Наркология ва ўсмирлар психопатологияси кафедраси: стажёр ўқитувчи.
- Болалар асаб касалликлари кафедраси: ассистент.
- Урология ва нефрология кафедраси: стажёр ўқитувчи.
- Умумий амалиёт врачлари малакасини ошириш кафедраси: стажёр ўқитувчи.
- Олий маълумотли тиббиёт ҳамширалари малакасини ошириш кафедраси: стажёр ўқитувчи.
- Анестезиология ва реаниматология кафедраси: ассистент.
- Психиатрия кафедраси: ассистент.
- Неврология кафедраси: ассистент.
- Нейрореабилитация ва шарқ тиббиёти кафедраси: ассистент.
- Гигиена кафедраси: катта ўқитувчи, стажёр ўқитувчи.
- Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш кафедраси: доцент, стажёр ўқитувчи, катта ўқитувчи.
- Оториноларингология кафедраси: ассистент.
- Гастроэнтерология ва физиотерапия кафедраси: ассистент.
- Офтальмология кафедраси: ассистент.
- Травматология ва ортопедия кафедраси: ассистент.
- Онкология кафедраси Ультратовуш диагностикаси курси билан: профессор.
- Шошилич тиббий ёрдам кафедраси: ассистент, стажёр ўқитувчи.
- Патанатомия ва суд тиббий экспертизаси кафедраси: ассистент.
- Клиник лаборатор диагностика кафедраси: катта ўқитувчи, стажёр ўқитувчи.
- Кардиология ва геронтология кафедраси: кафедра мудир, доцент, ассистент.
- Эндокринология кафедраси: катта ўқитувчи.
- Тиббий радиология кафедраси: стажёр ўқитувчи.
- Дерматовенерология ва косметология кафедраси: ассистент.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани,
Паркент кучаси, 51-уй. Телефон (0-371) 267-60-74.

ШВЕЛЛЕР КРУГ

АРМАТУРА

ТРУБА УГОЛОК

ЛИСТ

БАЛКА

ООО «SHARIF-STEEL»

(95) 177-99-17
(95) 143-77-17
(91) 136-55-53

ООО «Sharif-Steel»,
Ўзбекистан,
г. Ташкент,
массив Сергели,
Южная промзона, 27.

«Тўрақўрғон нефть базаси» МЧЖ

ихтисослаштирилган пудратчи корхоналар ўртасида қуйидаги иш
ва хизматларни амалга ошириш бўйича танлов эълон қилади:

1. «Тўрақўрғон нефть базаси» МЧЖ сиғимлар саройидаги «РВС-5000 м³» русумли нефть маҳсулотини сақлаш сиғимини буюртмачининг материалларидан фойдаланиш шарти билан мукаммал таъмирлаш.
 2. «Тўрақўрғон нефть базаси» МЧЖ Учқўрғон филиали сиғимлар саройидаги «РВС-400 м³» русумли нефть маҳсулотларини сақлаш сиғимини буюртмачининг материалларидан фойдаланиш шарти билан мукаммал таъмирлаш.
 3. «Тўрақўрғон нефть базаси» МЧЖ Чуст филиали нефть маҳсулотларини тушириш-ортиш темир йўл эстакадасига қўшимча қуриш ва химоя троти учун қурилма монтаж ишларини бажариш.
- Танлов қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Оқтош шаҳарчаси, Бобур кўчаси, 2-уй.
- Танловда махсус объектларда ишлар бажаришга рухсати бор пудратчи корхоналар бажариладиган таъмирлаш ишлари нархини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июндаги 261-сонли қарори билан тасдиқланган вақтинчалик низоимнинг 10-бандида назарда тутилган тартибда мустақил ҳисоблаб, тижорат тақлифлари билан қатнашишлари мумкин.
- Тақлифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади.

Манзил: Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Оқтош шаҳарчаси, Бобур кўчаси, 2-«А» уй.
Телефонлар: (0-369) 444-12-11, 444-13-02, қурилиш бўйича (+99893) 677-07-03.
E-mail: turaqurganfinans@inbox.uz, turaqurganfinans@uamail.uz, bturaqurganneft@uamail.uz

«ELXOLDING»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛЛИК КУНИ МУНОСАБАТИ
БИЛАН БИЗДА ЧЕГИРМА

15 500 000
сўм

ЮК ТАШУВЧИ
МОТОЦИКЛЛАР

МАХСУЛОТ
СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Чегирманинг амал қилиш муддати —
2018 йил 30 сентябргача.

Тел.: (+99893) 330-50-00, (+99871) 239-88-58.

Манзил: Самарқанд ш., Гагарин к., 36-уй. Мўлжал — «КИНАП» заводи.

Тахриратга келган қўёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Набатчи — З. Ашурова.
Музаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.15 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5 6